



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

<b>Анвар Нематович Холиқулов</b> "ZILOL BAXT" меҳмонхонаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари	78
<b>Ibragim Xudayarovich Nimatov</b> Zamonaviy turizmда motivlashtirishga ta'sir etuvchi omillar tahlili	82
<b>Sarvinoz Ashurova</b> The importance of Guest houses in the tourism industry of Uzbekistan	87
<b>Собир Худойбердиевич Махмудов</b> Тарихий-маданий туризм салоҳияти ва уни баҳолаш	92
<b>Шахноза Шомуротовна Тошпулатова</b> Навоий вилоятининг тарихий - архитектура ёдгорликларидан туризм соҳасида фойдаланиш йўллари	97
<b>Gulmira Rabbonovna Tursunova, Diyora Istamovna Ochilova</b> O'zbekistonda gastronomik turizmni rivojlantirishning italiya tajribasi	100
<b>Mahliyo Yaxshiboy qizi Umarova</b> O'zbekistonning mavjud turizm salohiyatidan kengroq foydalanish yo'llari hamda xususiyatlari	104
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Музей туризмни ривожлантириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омили	107
<b>Фарух Тохирович Шукуров</b> Туризм соҳасидаги тадқиқотларнинг эпистемологияси ва билимларнинг манбалари	112
<b>Akmal Odilovich Odilov</b> Turizm sohasida marketing tadqiqotlarining	115
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Абдухолик Эгамович Тангиров</b> Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни бошқариш ва уни такомиллаштириш	118
<b>Хасан Абдусаидович Рахимов</b> Туризм ва меҳмонхона соҳасида кадрлар менежментининг мазмуни, турлари ва улардан самарадорликни оширишда фойдаланиш йўллари	121
<b>Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова</b> Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизмларининг эволюцияси	127
<b>Лариса Алижоновна Мусабаева, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов</b> Истеъмол бозорини ривожлантиришнинг дастурий механизмлари самарадорлигини ошириш йўллари	132
<b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>Шахноза Сайдуллаевна Музрапова</b> Инвестицион мулк ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	137
<b>Обид Мамаюнович Пардаев</b> Хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг “ЗХ+ФКИ” моделидан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари	142
<b>Saida Azatovna Sheraliyeva</b> Erkin iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etish	147

Лариса Алижоновна Мусабаева – СамИСИ, Иқтисодий таҳлил ва статистика кафедраси ассистенти

Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

## ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДАСТУРИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация:** мақолада истеъмол бозорини янада ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган асосий муаммолар кўриб чиқилган. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солишнинг зарурий механизмларига эътибор қаратиш илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** тараққиёт стратегияси, истеъмол бозори, ҳудудий истеъмол товарлари бозори, истеъмол бозорида хусусий бизнес, ижтимоий-иқтисодий ўсиш, дастурий механизмлар.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш, Самарқанд вилояти ҳудудларида саноат, қишлоқ хўжалиги ва шу жумладан хизматлар соҳасининг келгуси беш йилдаги истиқболларини ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарнинг «ўсиш нуқталари»ни белгилаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали аҳоли саломатлиги ҳамда турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган янги тартибга мувофиқ Самарқанд вилоятида 2022 — 2026 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 1,4 бараварга, саноат маҳсулотлари ҳажмини 1,5 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,2 бараварга, хизматлар ҳажмини 2,7 бараварга ҳамда қурилиш ишлари ҳажмини 1,8 бараварга оширишни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлар параметрлари тасдиқланган.<sup>1</sup>

2023 йил давомида Самарқанд вилоят ҳудудий ЯИМ да хизматлар соҳаси 6,8 фоизга (470,3 триллион сўмга) ўсди.<sup>2</sup>

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мавзу бўйича кўплаб, хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилган, булар А.С. Солиев, М.М. Мухаммедов, М.М. Пардаев, Д.Х. Асланова, М.Т. Алимова, И.Х. Ибрагимов, Ш.А. Мусаева, Д.Х. Холмаматов каби олимларнинг илмий нашрларида ўз аксини топган.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу тадқиқотнинг мақсади бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганишда глобал дунёдаги таомиллар тенденциясининг трансформацион жараёнларини таҳлил қилишдан иборат. Шу мақсадда тадқиқотнинг қиёсий таҳлил, синтез, мантиқий абстракт фикрлаш, индуктив ва дедуктив таққослаш каби усуллардан самарали фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни стратегик режалаштириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, Ўзбекистон аҳолисининг реал даромадларини ошириш ва миллий корхоналарнинг технологик етакчилигига эришиш соҳасида устувор чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни мамлакат ва унинг ҳудудлари халқ хўжалиги тармоқларида стратегик режалаштиришсиз ҳал этиб бўлмайди. Ушбу стратегик қарорлар замирида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга алоҳида ўрин берилган.

Ҳудудларда истеъмол бозорининг ривожланиши турли хил хавфсиз истеъмол товарлари ва хизматларининг етарли сони ва сифатини таъминлаш қилиш орқали истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятига бўлган талабини қондиришга қаратилган.

Шуларга мувофиқ, савдо механизмларини янада такомиллаштириш, товарлар бозорида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайтириш, улар

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/5989312>

<sup>2</sup> Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за январь-декабрь 2023 года. Ташкент, 2023. <https://daryo.uz/ru/2024/02/22/ekonomiceskoe-polozenie-respubliki-uzbekistan-za-2023-god-v-cifrah>

томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди.<sup>1</sup>

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар давом этаётган шароитда иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш, мамлакат аҳолисининг реал даромадларини ошириш ва корхоналарнинг технологик етакчилигига эришиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини стратегик режалаштириш соҳасида устувор чораларни кўриш каби йўналишлар режалаштирилган.<sup>2</sup>

Ушбу вазифаларни мамлакат ҳудудий иқтисодиёти тармоқларида стратегик режалаштиришсиз ҳал қилиш мумкин эмас. Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга алоҳида ўрин берилган. Ҳудудларда истеъмол бозорининг ривожланиши турли хил хавфсиз истеъмол товарлари ва хизматларининг етарли сони ва сифатини таклиф қилиш орқали истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятига бўлган талабини қондиришга қаратилган.[1, 2]

Юқоридагилардан ташқари, мамлакат ҳудудий бирликларида истеъмол бозори ва хизматларини ривожлантиришнинг кўплаб ҳуқуқий муаммолари, қонунчиликдаги камчиликлар ва унга боғлиқ истеъмол бозорини ривожлантириш стратегиясининг мақсадларига эришишда тўсиқ бўлиши мумкин (масалан, савдо тўғрисидаги қонун савдо ташкилотини рўйхатдан ўтказишни талаб қилмайди, давлат органлари томонидан назоратни амалга оширишни қийинлаштирадиган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас).

Самарқанд вилоятидаги савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизматларнинг ретроспектив ва ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, сўнгги йилларда ушбу соҳаларни тавсифловчи аксарият кўрсаткичларнинг ижобий динамикасини қайд этиш мумкин. Улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш айланмаси ва маиший хизматлар ҳажмининг ўсиш тенденциялари барқарор ўсиши кўзатилади.<sup>3</sup>

Умуман олганда, Самарқанд вилоятининг истеъмол бозорини талаб ва таклиф ўртасида барқарор ва мувозанатли деб таърифлаш мумкин.

Бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018-2023 йиллар давомида қабул қилинган қарор ва фармонлар натижасида жами 510,1 мингта кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, савдо соҳасида энг кўп янги субъектлар – 189,5 мингта (ёки 37,1%), хизмат кўрсатиш соҳаси – 123,4 мингта (ёки 24,2%), саноат – 99,0 мингта (ёки 19,4%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик-61,1 минг бирликлари. (ёки 12,0%) ва қурилиш – 37,1 мингтага (ёки 7,3%) ўсган.<sup>4</sup>

Истеъмол бозори аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим манбаи ҳисобланади. 2023 йил якунларига кўра, кичик бизнес субъектлари сони 418,7 мингтага етди, шундан 67,7 мингтаси янги ташкил этилган кичик бизнес субъектларидир. Уларнинг улуши савдода 38,6% ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда 1,7% ни ташкил этди. Ҳар 100 кишига 14 та кичик тадбиркорлик тўғри келади.

ҲИМнинг таркибида хизмат кўрсатиш улуши – 40,4%, кичик бизнеснинг улуши 72,8%, кичик бизнеснинг асосий фондларига киритилган энг катта инвестициялар ҳажми вилоятда – 17,334,8 млрд. сўмни, чакана савдо ҳажми -24,934,9 млрд.сўмни ташкил этган (Тошкент шаҳрида -49,871,0 млрд.сўм, Тошкент вилоятида -26,242,8 млрд.сўм), йўловчи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони <https://lex.uz/acts/4030912>

<sup>2</sup> “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 28.01.2022 й. № ПФ-60

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/5989312> . “2022 — 2026 йилларда Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 28.04.2022 йилдаги 222-сон

<sup>4</sup> <https://www.norma.uz/> Президентнинг 27.01.2022 йилдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-104-сон қарори.

ташишнинг умумий ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 91,6% ни ташкил этди. 2022 йилга нисбатан унинг ўсиш суръати 102,0% ни ташкил этган.

Барча ижтимоий-иқтисодий муаммолар истеъмол бозори соҳасида ўз аксини топади, бу эса аҳоли томонидан товарлар ва хизматларнинг якуний истеъмолини таъминлайди. Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, монополия ва олигополияларнинг босими, алоҳида корхоналарнинг “ношаффофлиги”, сохта ва сифатсиз маҳсулотларнинг мавжудлиги каби кўплаб ташкилий-ҳуқуқий тўсиқлар истеъмол бозорининг ривожланишига тўсқинлик қиладиган салбий жиҳатлардир.

Самарқанд вилоятида 2023 йилда чакана савдо айланма кўрсаткичи 2022 йилга нисбатан 8 % га ошган.

Вилоят бўйича 2023 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган савдо хизматлари ҳажми, тегишли даврда:

улгуржи савдо товар айланмаси 11 882,7 млрд. сўмни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 18,0 % га ўсди.

Кичик бизнес субъектларининг улгуржи савдо айланмасидаги улуши статистик ҳисобларга қараганда 6 941,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2022 йилга нисбатан 92,4 % га тўғри келди. Вилоятда ушбу секторнинг улгуржи савдо ҳажмидаги улуши 58,4 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда олиб борилаётган ташқи иқтисодий сиёсат нафақат мамлакат ташқи савдоси ҳажмининг оширишига шу билан бирга, ҳудудларда ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятида ташқи савдода ижобий силжишларга эришилди. Вилоятда 2022 йилда ташқи савдо айланмаси 2384,5 млн. АҚШ долларини, жумладан 656,1 млн. АҚШ долларини экспорт операциялари, 1728,4 млн. АҚШ долларини импорт операциялари ташкил этди (1-жадвал).<sup>1</sup>

1-жадвал

**Самарқанд вилоятида хизматлар ва савдо хизматлари кўрсаткичларининг 2018-2023 йиллардаги динамикаси<sup>2</sup>**

Йиллар	Хизматлар ҳажми, млрд. сўм	Савдо хизматлари ҳажми, млрд. сум
2018	10043,5	2492,1
2019	12786,8	3024,6
2020	14086,1	3559,1
2021	18656,7	4202,0
2022	24934,9	5 389,2
2023	26078,8	6769,6
2023 йилда 2022 йилга нисбатан ўсиши, %да	109.1	113,7%

Манба: <https://review.uz/uz/post/samarqand-viloyati-xizmatlar-sohasining-2023-yil-yakunlari-tahlil-qilindi>

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 21,9% ни ташкил қилади. Ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида кичик ва ўрта бизнеснинг улуши одатда 50-60% оралиғида. Шундай қилиб, АҚШда бу 50%, Буюк Британияда - 51%, Германияда — 53%, Финляндияда — 60%, Голландияда — 63%. (Иқтисодиётни ривожлантириш институти маълумотлари).

Дунёнинг ривожланган давлатларидан фарқли ўларок, Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси ривожланиш босқичида. Аммо тегишли Қонунчилик базасининг ишлаб чиқиши, қулай инвестиция муҳити ва солиқ ва божхона имтиёзларининг яратилиши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва тадбиркорлик улуши-

<sup>1</sup> <https://review.uz/uz/post/samarqand-viloyati-xizmatlar-sohasining-2023-yil-yakunlari-tahlil-qilindi>

<sup>2</sup> Самарқанд вилояти хизматлар соҳасининг 2023 йил якунлари <https://review.uz/uz/post/>

нинг ошишига хизмат қилиши муқаррар.

Жумладан, 2022 йилда қабул қилинган “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори соҳада кичик корхоналар ва микрофирмаларни имтиёзли кредитлаш, имтиёзли солиқ ставкаларини жорий этиш, янги хизмат турларини ташкил этиш юзасидан инфраструктураларни яхшилаш ҳамда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали хизматлар хажмини янада кенгайтириш учун рағбат бўлмоқда.<sup>1</sup>

Самарқанд вилояти тарихан, истеъмол бозорининг рақобатдош устунлиги унинг қулай географик жойлашуви, юқори тадбиркорлик ва сармоявий фаоллиги, нисбатан “арзон” меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва саноат учун профессионал бошқарув кадрларини тайёрлаш имкониятидир – худуддаги иқтисодиёт соҳасида мутахассис тайёрлайдиган асосий олий таълим муассасалари Самарқанд давлат университети, Туризм университети, ТДИУ Самарқанд филиали ҳамда СамИСИ.

**Хулоса ва таклифлар.** Фикримизча вилоят хизматлар соҳасини тобора ривожлантириш учун қуйидаги дастурий чораларни амалга ошириш зарур:

- Тенг, адолатли рақобат учун шароит яратиш ва изчил таъминлаш;
- Истеъмол бозоридаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишни қонун талабларига сўзсиз риоя қилиш тамойиллари асосида рационализация қилиш, назорат қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлигини таъминлаш орқали қалбаки ва қалбакилаштирилган маҳсулотларга қарши кураш.

- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадли дастури доирасида вилоят аҳолиси учун қулай бўлган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий тизимини яратиш, истеъмолчиларга ҳуқуқий ёрдамни ташкил этиш, низоларни судгача ва суд орқали ҳал қилишда ёрдам бериш; минтақавий таълим ва тарғибот мониторингини яратиш ва ривожлантириш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, истеъмол бозори ходимларининг малакасини ошириш тизими.

- Вилоят аҳолиси саломатлиги учун озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастури доирасида озиқ-овқат ва алкогольли ичимликлар сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш, паст сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчиларга чораларни кучайтириш;

- Оммавий ахборот воситалари орқали истеъмолчиларга юқори сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқарувчилар тўғрисида кенг ишончли маълумотларни кенг тарғиб қилиш;

- Вилоятнинг туристик кластери худудида аҳоли ва сайёҳлар учун савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизматларнинг юқори технологияли шаклларини жорий этишга ёрдам берадиган истеъмол бозорини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Шундай қилиб, таҳлил натижаларини сарҳисоб қилар эканмиз, вилоят истеъмол бозори самарадорлигини оширадиган қуйидаги омилларни таъкидлаш мумкин:

- Вилоят истеъмол бозоридаги корхоналар фаолияти натижаларининг очиклиги, товарларни ихтиёрий сертификатлашдан ўтказиш, озиқ-овқат ва оммавий фойдаланиладиган товарларнинг хавфсизлиги ва сифатини ошириш.

- Истеъмол бозори корхоналарида энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, инновацион савдо технологияларини ташкил этиш, товарлар ва хизматлар турларини кенгайтириш, экологик тоза хавфсиз маҳсулотлар ва саноат товарларини илгари суриш.

- Вилоят истеъмол бозори кўрсаткичлари, хизмат кўрсатиш сифати, истеъмолчилар томонидан сотиб олинган товарлар сифати мониторингини ташкил этиш.

- Истеъмол бозори корхоналари мулкдорлари ва юқори раҳбарлари уюшмасини ташкил этиш, жаҳон стандартлари даражасида товарларнинг хавфсиз савдоси ва сифатини

<sup>1</sup> <https://www.norma.uz/> Президентнинг 27.01.2022 йилдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарори.

таъминлаш учун ассоциациянинг давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш.

- Истеъмол бозори корхоналарининг иш жойларини сертификатлаш.
- Истеъмол бозори корхоналари эгалари ва раҳбарларининг сотилган товарларнинг сифати ва хавфсизлиги учун жавобгарлигини ошириш.

Ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши минтақа аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш, тармоқнинг хорижий ва ички инвестициялар учун инновацион ва инвестицион жозибадорлигини ошириш, соҳада бизнес фаолиятининг барқарорлиги ва унинг рақобатбардошлигини ошириш каби ечимларни таъминлайди деган умиддамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони <https://lex.uz/acts/4030912>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.04.2023 йилдаги “Аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-110-сон қарори, <https://lex.uz/ru/docs/6423137>
4. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.01.2022 йилдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарори.** <https://www.norma.uz/>
5. “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, 28.01.2022 й. № ПФ-60
6. “2022 — 2026 йилларда Самарқанд вилояти худудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ЎР ВМ қарори, 28.04.2022 йилдаги 222-сон <https://lex.uz/docs/5989312>
7. Ибрагимов И.Х. Хизматлар соҳасида маркетинг концепциясининг ўзига хос жиҳатлари. Рисола. СамИСИ, Самарқанд 2014 йил. –56 бет
8. Самарқанд вилояти хизматлар соҳасининг 2023 йил якунлари <https://review.uz/uz/post/>
9. Узбекистан в цифрах. <https://www.stat.uz/ru/>
10. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6570-523523>
11. <https://stat.uz/uz/2-uncategorised/6549-metamalumotlar2>

<p style="text-align: center;"><b>Л.Мусабаева, Т.Ибрагимов</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Пути повышения эффективности программных механизмов развития потребительского рынка</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье рассматриваются основные проблемы, препятствующие дальнейшему развитию потребительского рынка. Обращено внимание на необходимые механизмы регулирования сферы торговли и услуг.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> стратегия развития, потребительский рынок, региональный рынок потребительских товаров, частный бизнес на потребительском рынке, социально-экономический рост, программные механизмы.</p>	<p style="text-align: center;"><b>L.Musabaeva, T.Ibragimov</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Ways to increase the effectiveness of software mechanisms for the development of the consumer market</b></p> <p><b>Abstract:</b> the article discusses the main problems hindering the further development of the consumer market. Attention is drawn to the necessary mechanisms for regulating the sphere of trade and services.</p> <p><b>Keywords:</b> development strategy, consumer market, regional consumer goods market, private business in the consumer market, socio-economic growth, program mechanisms.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.